

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРИДДИНОВ ДИЛШОД АЪЗАМҚУЛОВИЧ

ЖОРЖ МАРТИН ФЭНТЕЗИ АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ

**10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Насриддинов Дилшод Аъзамкулович Жорж Мартин фэнтези асарлари поэтикаси.....	3
Насриддинов Дилшод Аъзамкулович Поэтика фэнтези Джорджа Мартина.....	21
Nasriddinov Dilshod Azamkulovich Poetics of George Martin's fantasy works.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРИДДИНОВ ДИЛШОД АЪЗАМҚУЛОВИЧ

ЖОРЖ МАРТИН ФЭНТЕЗИ АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ

**10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fil1121 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Халдиева Гулноз Искандаровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Садиков Зоҳид Яқубжанович
филология фанлари доктори, доцент
Жўракулов Узоқ Ҳайдарович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти


Диссертация химоаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» август (соат 10:00) даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswlu_info@mail.ru)


Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» август куни тарқатилади.
(2021 йил «13» август да 18 рақамли реестр баённомаси).




Г.Х. Бокиева
Илмий кенгаш


Х.Б. Самигова
Илмий кенгаш


Ж.А. Яқубов
Илмий кенгаш

Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий жанр ва йўналишларнинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши кундан-кун турли асарлар яратилишига туртки бўлмоқда. Ушбу бадий асарларнинг китобхонлар томонидан саралаб мутолаа қилиниши, адабиётшуносликдаги турли йўналишдаги асарларнинг илмий тадқиқи билан боғлиқ масалаларни юзага келтирмоқда. Айниқса, замонавий йўналиш сифатида адабиётшуносликка кириб келган фэнтези асарлар модернизм ва постмодернизм босқичларида ўз ривожланишининг юксак палласига чиқди. Фэнтезининг янги феномен сифатида тан олинishi ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида юз бераётган глобаллашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу йўналишда яратилган асарларни илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида турли тилларда яратилган оммабоп дурдона асарларни поэтик хусусиятларини очиб бериш ҳақидаги илмий-назарий фикрлар илгари сурилади. Хусусан, Европа ва Америка адабиётшунослиги контекстида фэнтези асарларнинг бадий мезонлар асосида ўрганилиши, уларнинг таҳлили билан боғлиқ назарий фикрларни пайдо қилади. Бу борада, америка ва ғарб адабиётшунослигида Ж. Толкин, Ж. К. Роулинг, Т. Пратчетт, Н. Гейман, С. Кларк, Б. Сандерсон ва Ж. Мартин каби ёзувчиларнинг ижодий меросидаги оммабоп фэнтези асарлари тадқиқот доираси кенглиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, турли халқлар ва миллатларга мансуб адибларнинг бадий асарларини тадқиқ этиш орқали образ қўллаш, персонаж характерини ёритиб бериш ҳамда асар тилининг ўзига хослигини илмий-таҳлилий ўрганиш адабиёт соҳасидаги долзарб вазифа саналади.

Мамлакатимизда жаҳон адабиёти билан алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, дурдона асарларни бадий таҳлил қилиш ва ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишдаги илмий ёндашувлар турли тадқиқотларда ўз аксини топмоқда. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹. Шу маънода жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаларини ўрганиш билан биргаликда, уларнинг асарларида дунё миллатлари маданиятининг бадий ифодаси талқини бўйича илмий хулосалар чиқариш муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусидаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётида фэнтези асарларнинг илмий тадқиқи билан боғлиқ бўлган кўплаб масалалар адабиётшунос олимлар ва танқидчиларни ҳам ташвишлантиради, ҳам улар тадқиқотларининг бош мавзусига айланган. Хусусан, Жорж Мартин фэнтези асарлари ҳам, бу борада, эътибордан четда қолгани йўқ.

Фантастик ва фэнтези асарлар билан боғлиқ бўлган масалалар ғарб адабиётшунослари Ц. Тодоров, М. Боулд, Р. Жэксон, И. Опацки, К. Мэнлав, Б. Стэблфорд, Дон Д'Аммаса, Б. Эттэбери²; рус адабиётшунослари В. Губайловский, В. Березин, К. Строева, Е. Н. Ковтун, В. Л. Гопман, О. К. Яковенко, А. А. Аникина;³ ўзбек адабиётшунослари Р. М. Ибрагимова, Ф. Салаев, Д. Ҳ. Қувватова;⁴ Жорж Мартин ижоди билан боғлиқ тадқиқотлар Т. Ю. Мкртчян, Т. Н. Старостенко⁵ каби олимлар томонидан ўрганилган. Жорж Мартиннинг фэнтези асарларида замон масаласини Т. Ю. Мкртчян тадқиқотларида кўрсак, улардаги тарихий ва географик ҳудудларнинг харитадаги тавсифини очиб бериш масаласини Т. Н. Старостенконинг

²Тодоров Цв. Введение в фантастическую литературу / пер. с фр. Б. Нарумова. // М.: Дом интеллектуальной книги. – 1997; Bould, Mark. *The Dreadful Credibility of Absurd Things: A Tendency in Fantasy Theory* Historical Materialism. 4 (2002); Jackson, Rosemary. *Fantasy: The Literature of Subversion*. London: Methuen, 1981; Opacki, Ireneusz. *Royal Genres. 'Modern Genre Theory'*. Ed. David Duff. Harlow: Longman, 2000. 119-120; Manlove, C. N. *The Impulse of Fantasy Literature*. London: The Macmillan Press, 1983. Ix; Brian Stableford. *The A to Z of Fantasy Literature*. Plymouth, UK, 2009. Don D'Amassa *Encyclopedia of Fantasy and Horror Fiction*, New York NY, 2006. Attebery, Brian. *The Fantasy Tradition in American Literature: From Irving to LeGuin*. Bloomington: Indiana University Press, 1980.

³Губайловский В. Обоснование счастья. О природе фэнтези и первооткрывателе жанра. // Новый мир. 2002. №3. – С. 175; Строева К. Фэнтези-2004. –М., 2004. Фэнтези-2005. Тупики и выходы // НЛО. 2005. №71. – С. 403; Ковтун Е. Н. Художественный вымысел в литературе XX века. –М., 2008. – С. 18; Яковенко О. К. Жанровые особенности фэнтези (на основе анализа словарных дефиниций фэнтези и научная фантастика // Вестник иркутского государственного лингвистического университета, 2008, № 1. С.140-167. Аникина А. А. Архаизмы в романах Дж. Р.Р. Мартина “A Game of Thrones” и “A Clash of Kings” и возможные способы их перевода («Материалы Всероссийской научно-практической конференции «Наука и социум») г. Новосибирск, 2020. – С 57-65.

⁴Ибрагимова Р.М. Ўзбек фантастикасининг тараққиёт муаммолари. Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 2003; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастика адабиётида инсон ва табиат муаммолари. Филол. фан. ном. дисс. – Нукус, 1993. Қувватова Д. Ҳ. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари. Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 1997.

⁵Мкртчян Т. Ю. Структурные особенности авторских топонимов в цикле эпических фэнтези – романов Дж. Р.Р. Мартина “Песнь Льда и Пламени”. Тамбов: Грамота, 2016. № 10(64): в 3-х ч. Ч. 3. – С. 127-129. ISSN 1997-2911. Адрес журнала: www.gramota.net/editions/2.html; Старостенко Т.Н. Исторические основы фантастического мира Дж.Р.Р. Мартина в романе “Игра престолов” по циклу “Песнь льда и пламени” Science and Education a New Dimension: Philology, I(3), Issue: 13, 2013.

ишларида кузатишимиз мумкин. Бироқ бизнинг тадқиқотда кўтарилган Жорж Мартин фэнтези асарлари бадиий оламида образлар тизими, уларнинг рухий ҳолати ва Ўрта асрга хос ижтимоий жамиятда уларнинг тутган ўрни таҳлили ханузгача махсус илмий тадқиқотнинг объекти бўлмаган, шунингдек, Жорж Мартиннинг фэнтези асарлари тили бадиий мезонлар асосида ўрганиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқотишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хориж адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» ҳамда «Жаҳон адабиёти дурдоналари ўзбек таржимашунослигида» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жорж Мартин фэнтези асарлари поэтикасини бадиий мезонлар асосида илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фэнтези ва унинг турларига оид назарий фикрларни ўрганиш ҳамда унинг фантастик асарлар билан ўзига хос фарқли ва муштарак жиҳатларини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш;

Жорж Мартин ва унинг фэнтези туркум асарида образ яратишнинг бадиий-эстетик маҳоратини таҳлилга тортиш;

Жорж Мартин туркум асарида Ўрта аср ва аёл қаҳрамон характер хусусиятининг фэнтези билан уйғунликдаги жиҳатларини очиб бериш;

адибнинг фэнтези туркум асаридаги замон ва макон масалаларини поэтик мезонлар асосида тадқиқ этиш;

ёзувчи услуби ва асар тилини яратишдаги Жорж Мартиннинг новаторлик маҳоратини илмий-эстетик очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жорж Мартиннинг “A Game of Thrones” («Тахтлар ўйини») ва “A Clash of Kings” («Қироллар тўқнашуви») фэнтези асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Жорж Мартиннинг “A Game of Thrones” («Тахтлар ўйини») ва “A Clash of Kings” («Қироллар тўқнашуви») фэнтези асарларининг бадиий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда биографик, герменевтик, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослигида илк бор Жорж Мартиннинг фэнтези туркум асарларида иккиламчи олам образи ва бадиий деталь яратиш маҳорати ҳамда аёллар характерининг *универсаллик* хусусиятининг очиб берилиши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Жорж Мартин фэнтези асарларининг бадиий-эстетик хусусияти гуманизм, сюжет қурилиши, қаҳрамон ички дунёсининг ёзувчи томонидан очиб берилиши, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги, асар тилининг ранг-баранглиги каби поэтик мезонлари асосида далилланган;

Жорж Мартиннинг фэнтези асарларини яратишдаги бадиий маҳорати ва услубининг соф эстетик қонуниятлар негизида адиб романларидаги фалсафий фикр, поэтик нутқ, бадиий мушоҳада, ижодкор поэтик маҳорати каби жаҳон адабиётшунослигининг устувор концепцияларига мувофиқлиги ўзбек адабиётшунослигида илк бор адиб асарларининг аслиятдан қилинган таржималари асосида далилланган;

Ўзбек адабиётшунослигида фэнтези асарларнинг тарихий ва архаик сўзлар каби бадиий тил хусусиятлари ҳамда иккиламчи оламда ёзувчининг мифологик, авантюра ва тарихий ҳамда Эссос ва Вестерос қитъалари каби аспектларида намоён бўлган замон ва макон масаласи илмий-назарий жиҳатдан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

фэнтезининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш орқали ўзбек адабиётшунослигида ушбу йўналишдаги асарлар тадқиқининг кенгайиши ва уларни ўрганиш доирасида янги имкониятларга йўл очиши кўзда тутилган;

Жорж Мартиннинг замонавий адабиётда тутган ўрни масаласи кўрсатилиб, сўнгги давр ўзбек адабиётшунослигида адиб ижодининг ўрганилиши очиб берилган;

Жорж Мартин фэнтези асарларининг тадқиқи мисолида асар сюжети, композицияси, образи, услуби сингари назарий масалалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг фикрларига асосланганлиги; тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги; адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиёт назарияси фанининг таркибий қисмида янги феномен сифатида фэнтези масалалари, жаҳон адабиётида вужудга келётган янги жанрлар, адабий шакллар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини, уларнинг ўзбек адабиёти ривожига таъсирини ўрганиш бўйича чиқарилган назарий хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар «Адабиётшунослик назарияси», «Жаҳон адабиёти», «Ҳозирги адабий жараён», «Америка адабиёти» фанлари бўйича олий таълим муассасаларининг филологик йўналишлардаги талабаларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, маърузалар ўқиш, семинарлар ташкил этиш, шунингдек, адабиёт фани бўйича академик лицей ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига жаҳон адабиётининг дурдона асарларини мутолаа қилишга қизиқтириш бўйича машғулотлар олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жорж Мартиннинг фэнтези асарлари бадиий хусусиятлари тадқиқи натижаси асосида:

Жорж Мартин асарлари поэтикаси бадиийлик мезонлари асосида текширилганлиги, яъни муаллифнинг асарлар сюжети қурилиши ва образлар

тизимини яратишдаги маҳорати, қаҳрамон психологик хусусиятларини моҳирона ёритиб беришига оид амалий таклиф ва тавсиялардан Андижон давлат университетининг ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 05-15/5304-сон маълумотномаси). Натижада ушбу лойиҳа доирасидаги маълумотлар диссертация асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши юзасидан эришилган ижобий натижалар билан бойитилган;

муаллиф бадиий маҳорати ва услуби масалаларига доир илк бора диссертант таржимаси ва талқини асосида очиб берилган илмий натижалар ҳамда материаллардан Гулистон давлат университети ва Arkansas Spring International Language Center билан ҳамкорликда бажарилган “English language capacity building project” мавзусидаги грант лойиҳасининг “To improve the GSU faculty’s techniques and strategies for teaching English” (Гулистон давлат университети факультетларининг инглиз тилини ўқитишдаги техник ва стратегияларини ривожлантириш) ва “Relating language teaching to culture” (тилни маданиятга боғлаб ўқитиш) бандларини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-761-сон маълумотномаси). Натижада илмий-тадқиқот ишининг умумий хулосалари ва амалий таклифлари «Инглиз адабиёти» ва «Америка адабиёти» фанларига доир материалларни мазмунан бойитишда иккиламчи манба бўлиб хизмат қилган;

фэнтези асарларининг бадиийлик мезонлари асосида текширилганлиги, муаллифнинг асарлар сюжети қурилиши ва образлар тизимини яратишдаги маҳоратига оид материаллар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Жамиятда китобхонлик маданиятини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлари дастурининг 35-бандига асосан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 01-12-01-45-сон маълумотномаси). Натижада жамиятда китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг такомилли бўйича тавсифий маълумотлар кенгайган;

ўзбек адабиётшунослигида илк бор фэнтези туркум асарларининг бадиий таҳлили, Жорж Мартиннинг фэнтези туркум асарлари илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги ҳақидаги илмий хулосалар жаҳон адабиёти дурдона асарларининг илмий тадқиқи билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 20 январдаги 01-03-07/52-сон маълумотномаси). Натижада, жаҳон адабиёти дурдона асарларининг илмий тадқиқи билан боғлиқ масалалар ечими доираси кенгайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 7 таси республика, 1 таси хорижий импафакторли ва 1 таси халқаро Скопус тизимидаги журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, мавзу бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, диссертация бўйича нашрлар ва унинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фэнтези асарлар ва уларнинг илмий асослари**» номли биринчи бобида жаҳон адабиётшунослигида *фэнтези* асарлар ва уларнинг турларига оид илмий-назарий қарашлар ёритилган ва муносабат билдирилган. Шунингдек, фантастик ва фэнтези асарлар ҳамда уларнинг ўзаро муштарақ ва хос жиҳатлари илмий ёндашувлар асосида таҳлилга тортилган.

Фэнтези асарлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар изоҳли луғатларда келган⁶. Ушбу луғатларда келтирилган изоҳлардан кўринадики, фэнтези фақатгина инсон онги билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади ва бу кўплаб хорижий олимларнинг *фэнтези асарлари* назариясига оид илмий фикрларида ҳам ўз тасдиғини топди. Жумладан, канадалик олим Жон Клют «Фэнтези асар матни узлуксиздир. Қачонки фэнтези бу оламда содир бўлса, у биз қабул қилган оламда содир бўлиши мумкин бўлмаган ҳикояни баён қилади. Қачонки у ўзга оламда содир бўлиб, инсон нуқтаи назарида мавжуд бўлса-да,

⁶Merriam-Webster “the power or process of creating especially unrealistic or improbable mental images in response to psychological need”. «Психологик эҳтиёжни қондириш илминда ақл бовар қилмайдиган ёки ниҳоятда нореал ҳаёлий образларни яратувчи жараён ёки куч». www.merriam-webster.com/dictionary/fantasy (25.02.2021). Cambridge “a story or type of literature that describes situations that are very different from real life, usually involving magic”. «Одатда сеҳру-жодуни ўз ичига олувчи, реал ҳаётдан мутлақо фарқ қилувчи воқеъликларни тасвирловчи адабиёт тури ёки ҳикоя». www.dictionary.cambridge.org/dictionary/fantasy (25.02.2021). Collins “A fantasy is a pleasant situation or event that you think about and that you want to happen, especially one that is unlikely to happen”. «Фэнтези сиз ҳаёл қилган ва содир бўлишини хоҳлаган, айниқса содир бўлиши эҳтимолдан йироқ бўлган ёқимли ҳолат ёки воқеадир». <https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/fantasy> (20.03.2021).

аслида, у олам мавжуд эмас»⁷, деган таърифни келтиради. Америкалик олим Г. Вулф фэнтезини тасаввурдаги содир бўлиши мумкин бўлмаган ҳикоя⁸ деб таърифлайди. Шотланд адабий танқидчиси Колин Николас Мэнлов фэнтези ҳақида мўъжизани вужудга келтирувчи бадий уйдирма бўлиб, ҳикоядаги жуда кўплаб рад этиб бўлмайдиган мантикий образларнинг ғайритабiiй элементлар билан келишини ўз ичига олади⁹ деган фикрни келтиради. М. Б. Тимн, К. Ж. Захорски ва Р. Х. Бойер томонидан эса фэнтези асарлар «воқеа-ҳодисалар онг мезонларига кўра пайдо бўлувчи асарлар»¹⁰ деб баҳоланган.

Кузатишларимизга кўра, барча таърифлар орасида сўнгги эътироф ҳақиқатга яқин бўлиб, фэнтезининг хусусиятини қисқа жумлада тўлақонли камраб олади. Бунга сабаб, фэнтези асарлар онг мезонлари асосида ўлчанар экан, демак, у ерда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам, яратиладиган иккиламчи олам ҳам, шунингдек, фэнтези таркибини ташкил қилувчи турли мифва эртак қаҳрамонлар ёки персонажларнинг барчаси инсон хаёлотида яратилиб, уларни исталган кўринишда талқин қилиш мумкин.

Фэнтези турларига оид илмий фикрлар ҳам анчагина бўлиб, улар орасида америкалик болалар адабиётшунос адиби Дэвид. Л. Раслнинг таърифи этиборга лойиқдир. Олим фэнтези асарлар сюжети ташкил қилувчи мавзусига қараб *хайвонот фэнтези, ўйинчоқ фэнтези, сеҳрли фэнтези, саргузашт фэнтези, қаҳрамонлик фэнтези, сирли ва ғайритабiiй фэнтези*¹¹ турларга ажратади. Тадқиқот объекти бўлган “A Game of Thrones” («Тахтлар ўйини») “A Clash of Kings” («Қироллар тўқнашуви») ¹² туркум асарларида *саргузашт, қаҳрамонлик фэнтези, сирли ва ғайритабiiй* каби турлари кузатилди.

Фантастик ва фэнтези асарларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатларига оид хориж олимларининг илмий-назарий адабиётларини¹³ синчиклаб кузатиш асосида фантастика ва фэнтезининг бир қатор хусусиятлари мавжудлиги маълум бўлди. Шунга кўра, иккаласининг ҳам инсон хаёлотида пайдо бўлиши, ҳар иккаласида ҳам айнан бир хил образлар учраши уларнинг

⁷Clute, John. – Fantasy. In 1997. *The Encyclopedia of Fantasy*. Ed. John Clute and John Grant. Rpt. in Sandner P.310-315.

⁸Wolfe, Gary. K. “Fantasy” *Fantastic Literature: A Critical Reader*. Ed. David Sandner. Westport, CT: Praeger, 2004. P. 271-273.

⁹Manlove, C. N. *Modern Fantasy: Five Studies*. Cambridge: Cambridge University Press, 1975. P.1.

¹⁰Tymn, M.B., Zahorski, K. J. and Boyer, R. H. (1979.) *Fantasy literature: A core collection and reference guide*. New York: Bowker.

¹¹Russell, D. L. *Children’s Literature*. (2009). *Literature for children*: Department of English, National Kaohsiung First University of Science and Technology, Taiwan www2.nkfust.edu.tw/~emchen/CLit/fantasy_types.htm

¹²Ушбу асарлар америкалик фантаст ёзувчи Жорж Мартин қаламига мансуб бўлиб, улар ҳозирги вақтда инглиз аслиятдан “A Game of Thrones”, “A Clash of Kings” рус тилига «Игра престолов», «Битва Королей» номлар билан таржима қилинган. Тадқиқотимиз давомида асарнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилида аслиятга нисбатан «Тахтлар ўйини» ва «Қироллар тўқнашуви» таржимасини келтирдик. Тадқиқотимизнинг кейинги ўринларидаасар номини ўзимизнинг таржима ёндашувимиз асосида давом эттирамиз.

¹³Jackson, Rosemary. *Fantasy: The Literature of Subversion*. London and New York: Routledge, 2003. Todorov, Tzvetan. *The Fantastic: A Structural Approach to a Literary Genre*. Ithaca: Cornell University press, 1975. Bould, Mark. “The Dreadful Credibility of Absurd Things: A Tendency in Fantasy Theory”. *Historical Materialism*. 4 (2002).

муштараклиги сифатида эътироф этилди. Стефен Кингнинг «Туман» ва Жорж Мартиннинг «Муз Аждарҳоси» асарлари ёрқин далилдир.

Фантастик ва фэнтези асарлар бир қатор хусусиятлари билан биридан фарқ қилади. Фантастика ва фэнтезининг фарқли жиҳатларини асар сюжети, образлар тизими, замон ва макон шунингдек, асар тили, хусусиятига кўра аниқлаш жоиз. Фантастик ва фэнтези асарларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Фантастик ва фэнтези асарларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари

Фантастик асарлар	Фэнтези асарлар
асар сюжети	
<i>асар сюжетида биров бўлса-да реаллик мавжуд; асар воқелигини инсон ва жамият ўртасидаги зиддият ташиқил қилади;</i>	<i>мифологик ва эртак мотивларига асосланган архетипик сюжет; асар воқелигида эрик турларга хос бўлган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият мавжуд.</i>
замон ва макон	
<i>фантастик асарларда асар бошидан воқелик олами ҳақида маълумот берилади; фантастик олам маълум даражада реал воқеликка боғлиқ бўлиб, келгусида бевосита инсон ақли билан содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни акс эттиради. Илмий фантастик асарларда яққол намоён бўлади. Масалан, Р. Брэдберининг «Фаренгейт бўйича 451 даража» фантастик асарида олдиндан башорат қилган бир неча унсурлар яқин келажакда инсон ақл-заковати билан ҳақиқатга айланди.</i>	<i>фэнтези асарларда воқелик содир бўладиган олам ҳақида тушунтириб ўтилмайди, балки тўғридан-тўғри шу олам мавжудлигига оид фикрлар уйғотилади; фэнтези асарлар бир вақтнинг ўзида инсон хаёлотида пайдо бўлиб, шу заҳоти гойиб бўлувчи нореал оламни ўз ичига олади. Бу борада, Ж. Толкиннинг «Узуклар ҳукмдори», К. Роулиннинг «Гарри Поттер» ёки Ж. Мартиннинг «Муз ва Олов қўшиғи» фэнтези туркум асарлари воқеликнинг нореал иккиламчи олам маҳсулидир.</i>
образлар тизими	
<i>фантастик асарларда техника билан боғлиқ (роботлар, ақли машиналар, учар лисончалар в.ҳ.к.) образлар кўпроқ учрайди.</i>	<i>фэнтези асарларда мифологик (аждарҳо, ўрмон болалари, мамақалдироқ, чақмоқ, гномлар в.ҳ.к.) образлар устунлик қилади.</i>
асар тили	
<i>фантастик асарларда неологизмларнинг эркин қўллаш имконияти кўпроқ мавжуд. Албатта, бу муаллиф фантазияси билан боғлиқдир.</i>	<i>фэнтези асарларда қадимий, Ўрта асрга хос бўлган турли қабилалар ёки жамият муҳитига оид, шунингдек, сунъий яратилган тил элементларидан самарали фойдаланилади.</i>

Демак, фантастика – бу реал воқеликка боғлиқ бўлган оламни акс эттирса, фэнтези эса нореал хаёлий уйдирма бўлиб, иккиламчи оламдаги воқеликни ифодалайди. Шунинг учун ҳам адабиётшуносликда улар фантастик ва фэнтези асарлар деб ажратилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Жорж Мартин ва унинг бадий олами**» деб номланган бўлиб, унда ёзувчи ва унинг иккиламчи оламда образ яратиш маҳорати, «Тахтлар ўйини» асарида аёл қаҳрамонлар таҳлили ва талқини, замон ва макон тасвири масалалари ўрганилган.

Жорж Мартин бугунги кундаги сермахсул ижод қилаётган америкалик адиб бўлиб, шу бугунгача унинг 110 дан ортиқ нашр ишлари эълон қилинган. Муаллиф ўзининг фэнтези асарлари билан машҳур бўлиб, айнан «Тахтлар ўйини» асари учун «Небьюла» мукофотига сазовар бўлган.

Жорж Мартин фэнтези асарлари тадқиқи асосида адиб ижодий камолотининг тадрижий босқичлари, асарларининг композицияси, сюжет қурилиши бадийяти, образ яратиш маҳорати очиб берилди ва муайян илмий-назарий хулосаларга келинди. Шунингдек, ёзувчининг бадий маҳорати унинг асарларида гуманизм, қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб берилиши, муаллиф ғоясининг мантикийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, бадий деталларнинг аниқлиги ва қайси ғояга хизмат қилиши каби мезонлар¹⁴ асосида таҳлилга тортилган. Хусусан, ёзувчининг иккиламчи оламда образ яратиш маҳоратига эътибор қаратилган.

«*Иккиламчи олам* – бу инсон томонидан яратилган фантастик олам ёки муҳитнинг уйғунлигидир. У доимо *бирламчи олам* деб аталмиш борлиққа қарама-қарши туради»¹⁵. Демак, иккиламчи олам (юқори фэнтези) – бу инсоннинг онг маҳсули бўлиб, ушбу оламдаги барча образ ва бадий деталларнинг берилиши ёзувчининг маҳорати билан белгиланади. Жумладан, Жорж Мартиннинг «Тахтлар ўйини», «Қироллар тўқнашуви» асарларида иккиламчи олам образини яратиш маҳорати жуда ёрқин ифодаланган. Айниқса, ёзувчи хаёлий-фантастик, мифологик, мажозий образларни ва рамзийликни яратишда жуда ўзига хос усуллардан фойдаланган ва реал воқелик “magic system” (*сеҳрли тузилма*) билан бир уйғунликда ёритиб берилган.

Жорж Мартин хаёлий-фантастик образ сифатида иккиламчи оламда келтирган персонажларда ўз маҳоратини янада очиб беради. Адибнинг асарда образ қўллашидаги маҳорати жуда кўп эътирофга сабаб бўлган. Масалан, инглиз фантаст ёзувчиси Брайан Уилсон Олдисс: «*Силверберг (америкалик илмий фантастик асарлар ёзувчиси) каби у ҳикоясини ёзиш учун қаҳрамонларни яратмайди. Унинг қаҳрамонлари – бу унинг ҳикоясидир*»¹⁶ деб

¹⁴Темирболат А.Б. Поэтика литературы. Учебное пособие. – Алматы, 2011. – С.16

¹⁵Tolkien Gateway *Secondary World* http://tolkiengateway.net/wiki/Secondary_world (05.12.2020).

¹⁶Aldiss B. Trillion year spree, the history of science fiction, / Brian Aldiss. – London: Paladin graft on books, A Division of the Collins, 1986 – 699 pp. “*Like Silverberg, he is not content to let his story form his characters. His characters are his story*”.

таъкидлайди. Бунинг ёрқин исботини «Тахтлар ўйини» асаридаги жасоратли аёл ҳамда аждарҳо билан тиллаша олувчи образ Дейенерис (Дени) мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, ёзувчининг асарда Кал Дрого, қондош тансоқчилар, дотракий кекса хунук кампир каби хаёлий-фантастик образ характерини очиб беришда ҳам маҳорати намоён бўлади.

Мифологик образларни яратишда ҳам адиб бошқа ёзувчилардан фарқли равишда уларни асар сюжет чизиқларида реал муҳит билан бир уйғунликда келтиради. Бу жиҳатдан, аждарҳо, гномлар ва оқ пиёдалар каби образларда турли характерларни яратади. Масалан, барча учун ваҳима солувчи аждарҳони адиб асарда ҳокимиятнинг асосий қуроли сифатида кўрсатиб беради. Хаттоки, асарда аждарҳо пайдо бўлиши билан боғлиқ қолипловчи ҳикоянинг энага кампирнинг тилидан баён қилиниши, адиб мифологик образлардан унумли фойдаланганлигининг далилидир. «Қадим замонда самода икки ой бўлган экан, аммо уларнинг бири қуёш томон жуда яқин келганида унинг тафтидан парчаланиб кетибди. Минг-минглаб аждарҳолар ташқарига отилиб чиқиб, қуёш оловидан баҳраманд бўлибдилар. Шунинг учун ҳам, аждарҳолар олов пуркайдилар. Бир куни бу ой ҳам қуёшдан бўса олади ва парчаланиб, аждарҳолар яна қайтади»¹⁷. Мифологик образлардан яна бири Оқ пиёдалар эса ривожланган жамиятдан анча ортда қолган халқ сифатида тасвирланиб, асарда уларга доимо ёвузлик уруғини сочувчи махлуқотлар назарида қаралган.

Адибнинг асарларида мажозий образларни кўрсатиб беришдаги маҳоратини асарда йиртқич бўри образида кўрамиз. Ушбу ҳайвонларнинг инсон каби фикрлаши билан боғлиқ сюжетларни яратишда унинг мажозий образ қўллаш маҳорати янада ойдинлашади. У яратган барча образлар асар моҳиятини бир қарашда мураккаблаштиради. Бироқ китобхон уларни худди ҳаётий қилиб кўра олади. Зеро, адабиётда «бадий образ» тушунчаси асарда ёзувчи бадий хаёлотининг турли кўринишларда тасвирланишидан иборат. Бадий образ шунчаки акс эттирилмайди, балки борлиқни умумлаштиради. Бадий образнинг хусусияти нафақат борлиқни англаш, балки уйдирма оламни яратишини ҳам ўз ичига олади¹⁸. Демак, адиб ўзининг фантазияси билан ҳаққоний материални ўзгартириб, унга мос бўлган сўзлардан, ранглардан, овозлардан ва бадийликдан фойдаланган ҳолда яратган асари унинг ўзига хос услубидан далолат беради.

Жорж Мартиннинг «Тахтлар ўйини» ва «Қироллар тўқнашуви» фэнтези асарлари куйидаги сюжет чизиқларини қамраб олади. Биринчиси – фитна (қиролнинг ўнг қўли ўлдирилиши билан боғлиқ), шунингдек, ҳокимият учун кураш. Бунда барча қаҳрамон тахт учун курашга жалб қилинади. «Буюк сулола» вакиллари ўртасида фитна уйғотиш, музокаралар олиб бориш, сарой

¹⁷George R.R. Martin. A Game of Thrones. (Book One of A Song of Ice and Fire). Bantam Books Mass Market Edition. NewYork. – 2011. P.235. “Once there were twomoons in the sky, but one wandered too close to the sun and cracked from the heat. Athousand thousand dragons poured forth, and drank the fire of the sun. That is whydragons breathe flame. One day the other moon will kiss the sun too, and then it willcrack and the dragons will return”

¹⁸Бабенко Л.Г., Казарин Ю.В., Лингвистический анализ художественного текста. Теория и практика: Учебник; Практикум. – М.: Флинта, Наука. – 2003. – С. 97-102.

тўнтариш қилиб, қадимги сулолани ҳокимиятга қайтаришдан иборат. Иккинчи сюжет чизиғида қишнинг келиши ва у билан биргаликда хавф-хатарнинг келиши билан боғлиқ рамзий тушунча; Бу борада “Wildings” (Ёввойилар) – (қитъанинг шимолида яшовчи давлат сифатида ривожланишдан ортда қолган одамлар) хужуми ёки мифологик мавжудотлар “White walkers”¹⁹ (Оқ пиёдалар) билан боғлиқдир. Ушбу сюжет чизиғи яна омон қолиш учун курашлар мавзусига ҳам боғланган. Учинчи сюжет чизиғи қаҳрамонларининг тақдири ҳақида батафсил маълумот беради. Шу билан бирга, улар билан бирга содир бўлган воқеалар, яъни балоғатга етиш даврида яқинларидан жудо бўлиши, турли қийинчиликларга дуч келиши уларнинг ўзига хос бўлган болалиқдан, то балоғатгача бўлган ҳаётининг тасвирланиши китобхонни ўзига жалб этади. Демак, ҳар уч сюжет чизиғи асарнинг янада мукамалроқ бўлишига хизмат қилади.

Жорж Мартиннинг бадиий олами «Тахтлар ўйини» асаридаги аёл қаҳрамонлар таҳлили ва талқини натижасида янада яққолроқ намоён бўлади. Жумладан, ушбу асарда эзгулик ва ёвузлик мавзуси қизлар ва оналар образи орқали очиб берилган. Хусусан, асардаги Кейтилин, Арья билан боғлиқ ҳаётининг саргузаштлар мисолида эзгулик, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган Серсея ва Санса образлари мисолида ёвузликнинг даражалари ёзувчининг маҳоратида кузатилди. Айниқса, аёл қаҳрамон руҳиятини ёритиб беришда қизлар образида ота ва қиз, она ва қиз муносабати китобхонда бир вақтнинг ўзида ҳам ачиниш, ҳам нафратланиш ҳисларини пайдо қилади. Масалан, «*У жазога лойиқлигини биламан. Мен фақат шафқат сўрамоқчиман. Мен аминманки, Лордим, у қилган ишидан пушаймон. У Қирол Робертнинг дўсти ва уни жуда яхши кўрар эди, сизлар ҳам билар эдингиз унинг яхши кўришини. У токи қирол сўрамагунча, ўзи ўнг қўл бўлишни хоҳламаган. Улар уни алдаган бўлса керак. Лорд Рэнли ёки Лорд Станнис ёки ... яна кимдир, улар алдаган бўлса керак, акс ҳолда...*»²⁰. Ушбу парчадан ҳам шуни кўришимиз мумкинки, Сансанинг оиласига душман бўлса-да, ўз севган шахзодасидан ҳам воз кеча олмаслиги, шу билан бирга ўз отаси учун ҳам афв сўраши қаҳрамонни мушкул вазиятга солади. Аслида, китобхон наздида қизнинг барчасидан воз кечиб ўз оиласига қочиб кетиши тўғри йўлдир, бироқ, унинг қалбидаги севгиси уни бу йўлдан қайтаради.

Ёзувчининг бадиий оламида замон ва макон тасвири масаласини ёритишда адабиётшунослар У. Ҳ. Жўрақулов ҳамда Б. Б. Тўраеваларнинг²¹ илмий

¹⁹Изоҳ: Оқ пиёдалар (White Walkers) – Вестероснинг шимолий қисмида яшовчи афсонавий ғайриинсоний ирк. Улар кучли сеҳрли жодугарлар саналган. Узоқ вақт давомида Оқ пиёдаларга (White Walkers) миф ва афсонавий персонажлар сифатида қараб келинган. Шунга кўра, уларни охириги мартта илк одамлар ва ўрмон болалари даврида учратилган.

²⁰George R.R. Martin. *A Game of Thrones*. (Book One of A Song of Ice and Fire). Bantam Books Mass Market Edition. New York. – 2011. P-626. “*I know he must be punished. All I ask is mercy. I know my lord father must regret what he did. He was King Robert’s friend and he loved him; you all know he loved him. He never wanted to be Hand until the king asked him. They must have lied to him. Lord Renly or Lord Stannis or . . . or somebody, they must have lied, otherwise...*”

²¹М.Бахтин. Романда замон ва хронотоп шакллари (Рус тилидан Узоқ Жўрақулов таржимаси) “Жаҳон адабиёти” журнали, 2013. №7. (saviya.uz). Б. Тўраева. Тарихий романларда бадиий замон муаммоси

тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди. Жорж Мартин фэнтези оламида замон ва макон масаласи муҳим индивидуал хусусиятларга эга. Жумладан, адиб асарларида мифологик, авантюра ва тарихий замон турлари учрайди. Замон нуқтаи назаридан ушбу воқеалар силсиласи Ўрта асрларда содир бўлади. Шунинг учун ҳам асарда Ўрта асрга хос бадиий деталлар, тарихий ва архаизм сўзлардан унумли фойдаланилган. Шунингдек, ёзувчи бадиий маҳорати макон тасвирида очилади. Жумладан, «Тахтлар ўйини» асарида Вестерос ва Эссос каби икки қитъа макон вазифасини бажаради. Асардаги Нед Старкнинг ноҳақ тухмат билан ҳибсга олиниши, унинг вафоти, Старклар хонадонининг Ланнистерлардан ўч олиши борасидаги барча эпизодлар Вестеросда содир бўлади. Шунингдек, ушбу макон нариги қитъага нисбатан анча тараққий этган жамиятни қамраб олади. Эссос қитъасида эса, анча ёввойи қабила Дейенерислар ва уларнинг хатарли саргузаштлари билан боғлиқ эпизодлар келтирилган.

